

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари корхонаси.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	4
1.2.3.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги.....	10

1. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талabalari;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган баклаврият битирувчилари ва бошка манфаатдор шахслар.

1.2. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, акциядорлик жамиятларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан: электр таъминоти тизимлари, тармоқлари ва уларнинг жихозларини лойихалаш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш билан шугулланувчи барча саноат ташкилотлари мажмууни қамраб олади.

1.2.2. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол килиш жараёнлари;
- электр энергия истеъмолчилари;
- электр таъминоти тизимида ишлатиладиган жиҳозлар ва уларнинг конструкциялари;
- саноат корхоналари ва шаҳарлари электр таъминоти тизимларининг жиҳозлари;
- электр таъминоти тизимларининг реле ҳимояси ва автоматикаси қурилмалари;
- мутахассислик соҳаси технологик ва конструкторлик илмий-ишлаб чиқариш муассасалари.

1.2.3. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориши.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш;
- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиши ва қўллаш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш-технологик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиши ва қўллаш;
- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ва лойиҳалаш-технологик ишларини тўлиқ бажариш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларида ҳам саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини бажариш ва уларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ҳозирги қўйилган талаблар нуқтаи назаридан замонавий ахборот ва ракамли технологияларни қўллаб бажариш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиши.

Таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг электр таъминоти ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукукий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиши ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалаш бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши;
- маҳаллий ва ҳорижий саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминотини лойиҳалашга оид жараёнлар ҳамда ходисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- қасбий этика қоидалариги риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жихозлари ва техник воситаларидан самарали фойдаланиш;
- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишида ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жихозлари ва техник воситаларининг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиши;
- техниковий-иктисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими қурилмалари, ҳамда жихозларини ишлатиш бўйича мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиши;
- саноат корхоналари ва шаҳарлари электр таъминоти ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

2. 70710601 - Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида мөъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, кайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнкимларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши кўнкимларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнкимларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўнкимларига эга бўлиши;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими қурилмаларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўнкимларига эга бўлиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўнкимларига эга бўлиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизимида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ва татбиқ қилиш малакасига эга бўлиш;
- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизимида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ва татбиқ қилиш малакасига эга бўлиш;

- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизимида истеъмолчилар узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти тизими энергетик қурилмалар жихозларини, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура ва бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, конун, қоида, карор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, электр таъминотининг релели ҳимояси, электр энергиянинг сифати, энергетик текшириш, реактив қувватни компенсациялаш, электр таъминоти тизимининг автоматикаси, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташки назорат, моддий-техник база, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 22 » 08

М.



М.Ү.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва урта махсус таълим вазирлиги
Хизматлари Олий таълимини
нивоздийнинг тадқиқотлари ва илғор
технологияларин татбиқ этиш маркази



М. Эсанов

2021 йил « 23 » 08

М.Ү.

Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини
механизациялаш мухандислари
институти



проф. Б.С. Мирзаев

2021 йил « 23 » 08

М.Ү.



“Ўзэнергоинжиниринг” АЖ
Директор  З.Абдулжабборов

2021 йил « 23 » 08

М.Ү.



М.Ү.